

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АХРОРЖОН ХАБИБЖОНОВИЧ

**ЮҚОРИ СОРБЦИОН ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ТУРЛИ ФАЗОВИЙ
ЎЛЧАМДАГИ МЕТАЛЛ-ОРГАНИК КАРКАСЛАРНИНГ СИНТЕЗИ ВА
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

УДК: 541.183.49; 542.06.08; 538.911

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on chemical sciences**

Абдуллаев Ахроржон Хабибжонович

**Юқори сорбцион хусусиятга эга бўлган турли фазовий ўлчамдаги
металл-органик каркасларнинг синтези ва физик-кимёвий
хоссалари..... 3**

Абдуллаев Ахроржон Хабибжонович

**Синтез и физико-химические свойства металлоорганических
каркасов различных пространственных размеров с высокими
сорбционными
свойствами..... 20**

Abdullaev Ahrorjon Khabibjonovich

**Synthesis and physicochemical properties of metal-organic frameworks
with various spatial dimensions possessing high sorption
characteristics..... 38**

Эълон қилинган нашрлар рўйхати Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12. 2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ АХРОРЖОН ХАБИБЖОНОВИЧ

**ЮҚОРИ СОРБЦИОН ХУСУСИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ТУРЛИ ФАЗОВИЙ
ЎЛЧАМДАГИ МЕТАЛЛ-ОРГАНИК КАРКАСЛАРНИНГ СИНТЕЗИ ВА
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/К793 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ioyx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубов Йўлдош Юсупбоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашев Ойбек Каримович
кимё фанлари доктори, профессор
Рўзимуродов Олим Нарбекович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузурдаги DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 17 март » 2025 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ioyx@academy.uz.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2025 йил « 05 » март куни тарқатилди.

(2025 йил « 05 » мартдаги № 2 - реестр баённомаси)



Б.С.Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

Н.Д.Эшметов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда энергетика, кимё, фармацевтика ва бошқа саноат тармоқлари жадал ўсиши билан бирга бир қанча глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳаво ифлосланишини камайтириш ва углерод чиқиндиларини ушлаб қолиш, водород ва бошқа энергия ташувчиларни самарали сақлаш масалалари, юқори технологияларга асосланган энергия тизимларини ривожлантиришда, кимё ва саноат тармоқлари учун бирикмаларни ажратиш ҳамда катализ ва сенсор технологиялар соҳаларида кимёвий моддаларни қўлланилиши туфайли экологияни ифлосланиши технологик тараққиётнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Шунинг учун, юқори сорбцион хусусиятларга эга бўлган турли фазовий ўлчамдаги металл-органик каркас (МОК)ларни синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини чуқур ўрганиш нафақат илмий, балки технологик ва экологик нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда юқори сорбцион хусусиятларга эга металл-органик каркаслар (МОК) синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, МОКларнинг кимёвий таркиби ва фазовий структурасини аниқлаш; спектроскопик таҳлиллар ёрдамида улар таркибидаги функционал гуруҳлар ва боғларни ўрганиш; термик барқарорлигини таҳлил қилиш, Хиршфелд сирт юзаси ҳамда кристалл бўшлиқ ҳажмларини ҳисоблаш, спектроскопик таҳлиллар орқали металл-органик каркаслар таркибидаги функционал гуруҳ ҳамда боғлар табиатини аниқлаш; металл-органик каркасларнинг фазовий ўлчамларига кўра термик барқарорлигини ўзаро солиштириб таҳлил қилиш алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда кимё саноатининг янги турдаги материалларини ишлаб чиқариш, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи адсорбентлар билан таъминлаш бўйича назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йиллардаги тараққиёт стратегиясида иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган ва “маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, иқтисодий тизимнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган кимё саноатини ривожлантиришда юқори сорбцион хусусиятга эга бўлган адсорбент синтез қилиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3983-сон, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини яна-да ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» даги ПҚ-4265-сон ҳамда 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

тўғрисида” ги ПК-4805-сонли Қарорлар, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. SCOPUS ва WEB OF SCIENCE базаларига “coordination polymer” ва “metal organic framework” каби калит сўзларни киритиш орқали охириги 10 йил мобайнида чоп этилган 666 та илмий нашр қамраб олинди. Ушбу илмий нашрларни таҳлил қилганда қуйидаги маълумотларга эга бўлдик: энг кўп илмий нашрлар чоп этган мамлакатларга Хитой — 221 та, Япония — 99 та, Ҳиндистон — 74 та ва бошқалар киради. Китагава С., Федин В.П., Жанг Ж.П., Чен Х.М. ва бошқа олимлар сўнгги 10 йилликда энг кўп илмий иш чоп этганлар. Илк бор Омар М. Яги ва унинг жамоаси металл-органик каркасларни фанга олиб кирганлар.

Ўзбекистонда етук олимлардан К.С. Ахмедов бошчилигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакилларида Е.А. Арипов, А.А. Агзамхўжаев, С.С. Хамраев, Ғ.У. Раҳматқариев, С.З. Мўминов, С.А. Абдурахимов, С.Н. Аминов, У.К. Ахмедов, Х.И. Акбаров, Г.Р. Нарметова, И.Д. Ешметов, Д.С. Салиханова, О.Н. Рўзимуродов, Й.Й. Якубов, Ш.А. Қўлдашева, Д.Ж. Жумаева, О.К. Эргашев, А.Б. Абдикамалова ва бошқалар турли кўмир, синтетик ҳамда табиий минерал сорбентлар намуналарида ҳар хил адсорбатларнинг адсорбция хоссаларини тадқиқ этганлар. Сорбцион хоссага эга бўлган координацион бирикмаларнинг синтези, тузилиши ва хоссалари бўйича тадқиқотлар академиклар Н.А. Парпиев ва Б.Т. Ибрагимов, профессорлар А.Б. Ибрагимов, Х.Т. Шарипов, Б.Б. Умаров, А.А. Шабилотов, Т.А. Азизов, Х.Х. Тўраев, Ж.М. Ашуров ва Ш.А. Қодирова томонидан амалга оширилган.

Адабиётлардан бизга маълум бўлдики, халқаро Кембриж Кристаллографик Маълумотлар Маркази (CCDC) да нашр этилган ва сақланган бирикмалар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. 2017 йилда Кембриж Кристаллографик Маълумотлар Марказида 70 000 та МОКлар мавжуд эди. Икки йил ўтиб, 2019 йил августга келиб бу рақам 96 000 тага етди, яъни ҳар ойда 1 000 га яқин янги бирикмалар синтез қилинган. 2020 йил январь ҳолатига кўра бу сон 99 075 тага етди. 2023 йил апрель ҳолатига кўра эса 118 000 тадан ортиқ эканлиги эълон қилинган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, металл-органик каркасларни ўрганиш жадал равишда ўсиб бормоқда.

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўлишича, мамлакатимизда металл-органик бирикмалар кам ўрганилган. Бу соҳадаги маълумотлар деярли йўқ. Металл-органик каркасларни ўрганиш жараёнида п-, м-сулфанил кислоталари, калий тартрат ва этилиндиямитетраатсетат кислотанинг динатрийли тузи (EDTA-N₂Na₂·2H₂O) (Трилон Б) нинг Cu (II), Mn (II), Pb (II), Zn, Fe (III), Co (II) катионлари билан бирикмалари кам ўрганилганлиги аниқланган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ишида қилинган тадқиқотлар 2021-2025 йилларга мўлжалланган ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти FZ-20200929348 рақамли “Фенол кислоталари асосидаги супрамолекуляр комплексларнинг тузилиши билан уларнинг ўсимликларни абиотик ва биотик салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш” мавзусидаги Давлат фундаментал гранти ва 2024-2025 йилларга мўлжалланган AL-7623031231 сонли “Сиклопента диенил темир дикарбонил димер асосида углеродли нанонайлар синтез қилиш ва уларни физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш” мавзули Ўзбекистон ва Туркменистон амалий қўшма лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади п-, м-сулфанил кислоталари, калий тартрат ва этилендиаминтетраатсетат кислотанинг динарийли тузи ($\text{EDTA-Na}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) (Трилон Б) нинг Cu (II), Mn (II), Pb (II), Zn, Fe (III), Co (II) катионлари билан марказий атом сифатида метал сақлаган металл – органик каркасларни синтез қилиш, таркиби, кристалл тузилиши, физик-кимёвий ва сорбцион хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: п-, м-сулфанил кислоталари, калий тартрат ва этилендиаминтетраатсетат кислотанинг динарийли тузи ($\text{EDTA-Na}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) (Трилон Б) нинг Cu (II), Mn (II), Pb (II), Zn, Fe (III), Co (II) катионлари билан металл-органик каркасларнинг монокристалларини синтез қилиш, мақбул шароитларини аниқлаш ҳамда синтез жараёнида ҳосил бўлган коллоид эритманинг хусусиятларини ўрганиш;

монокристалл рентген дифрактометр ускунаси орқали олинган металл-органик каркасларнинг монокристалларини кимёвий таркиби ва фазовий структурасини аниқлаш;

олинган металл-органик каркасларнинг монокристалларини халқаро Кембриж маълумотлар базаси орқали янгилигини исботлаш;

спектроскопик таҳлиллар орқали металл-органик каркаслар таркибидаги функционал гуруҳ ҳамда боғлар табиатини аниқлаш;

металл-органик каркасларнинг фазовий ўлчамларига кўра термик барқарорлигини ўзаро солиштириб таҳлил қилиш;

олинган металл-органик каркасларнинг Хиршфелд сирт юзаси ҳамда кристалл бўшлиқ ҳажмларини ҳисоблаш;

синтез қилинган 1D, 2D металл-органик каркасларда сув ва бензол буғлари, шунингдек, қуйи ҳароратли азот адсорбцияси натижалари таҳлили.

Тадқиқотнинг объекти сифатида п-, м-сулфанил кислоталари, калий тартрат ва этилендиаминтетраатсетат кислотанинг динарийли тузи ($\text{EDTA-Na}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) (Трилон Б) ва уларнинг Cu (II), Mn (II), Pb (II), Zn, Fe (III), Co (II) металл тузлари ҳамда олинган металл-органик каркас бирикмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети 3D, 2D металллар билан сулфанил ва тартрат кислота изомерлари ва Трилон Б ҳосил қилган комплекслар, уларнинг кристалл тузилиши, сорбцион ҳамда физик-кимёвий хоссалари, субстрат-лиганд координацион комплекси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тайёрланган диссертация ишида рентген тузилиши таҳлили (РТТ), термик таҳлиллар (DSC, DTA ва TG), ИҚ-спектроскопия, бензол, сув буғи ва қуйи ҳароратли азот сорбцияси, кондуктометрия усули, ультрабинафша спектрофотометрия, кукуни рентген дифракция, янги квант-кимёвий назарий усуллар ҳамда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

металл-органик каркаслар синтезида ҳар бир модда учун синтез шароитлари, яъни $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$ бирикма 80°C ҳароратда 72 соатда 61 %, $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ бирикма 50°C ҳароратда 72 соатда 65 %, $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ бирикма учун 40°C ҳароратда 72 соатда 61 %, $[\text{CoC}_4\text{H}_5\text{O}_7, (\text{H}_2\text{O})_2]_n$ бирикма учун 30°C ҳароратда 7 кунда 58 %, $[\text{Cu}_2\text{C}_9\text{H}_{21}\text{N}_2\text{O}_9]_n$ бирикма учун 90°C ҳароратда 48 соатда 55 %, $[\text{ZnC}_4\text{H}_7\text{O}_7(\text{H}_2\text{O})_2]_n$ бирикма учун 30°C ҳароратда 7 кунда 53 % унум билан чиқиши аниқланган;

МОКларнинг синтез босқичида ҳосил бўлган коллоид эритмасининг заррачалар ўлчамини 3D ҳолатдаги тақсимооти, концентрацияси ва нур синдириш интенсивлиги аниқланиб, унга кўра юқори концентрация 97-159 nm оралиғидаги заррачалар учун кузатилди, асосий заррачалар ўлчамлари 58 дан 230 nm гача эканлиги аниқланган.

синтез жараёнида сирт фаол модданинг қўлланилиши натижасида юқори сирт майдонли металл-органик каркас ҳосил бўлиши асосланган;

металл-органик каркас адсорбциясида ҳосил бўлган гистеризис ҳалқаси H_2 типиди эканлиги, CrystalExplorer дастури ёрдамида ғовак шакли пластинкасимон бўлган адсорбентларники каби ёриқсимон ғовак кўринишга эга эканлиги кузатилди шунингдек бу кўрсаткичларни структура ва адсорбцион маълумотларни бир-бирига мос эканлиги исботланган;

бир ва икки фазовий ўлчамли металл-органик каркаслар яъни, $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$ нинг ($S_{\text{ВЕТ}}$) сирт юза си $305,8 \text{ m}^2/\text{g}$ га тенг бўлиб, сув молекулалари адсорбцияси ($22,904 \text{ mmol}/\text{gr}$) ҳамда катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III) дихидрати] таҳлил қилинган МОК лар ичида энг юқори солиштирма сирт юза қийматга эга бўлиб, унинг қиймати $1036,96 \text{ m}^2/\text{g}$ га ва адсорбцион ҳажми $\text{HK} = 3,55 \text{ cm}^3/\text{g}$ га тенглиги аниқланган;

Янги синтез қилинган $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ металл-органик каркасларнинг ион концентрацияси 2,14 ppt ва 1.971 ppt ҳамда электр ўтказувчанликлари 4,29 mS ва 3.94 mS га тенг эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган янги авлод металл-органик каркасларнинг синтез шароитлари физик-кимёвий ҳамда адсорбцион хусусиятлари келажакда бир қанча соҳаларда юқори самарали сорбент ва катализатор олиш имкониятлари яратилган;

синтез қилинган МОК ёрдамида нефтларни қуритишда ва таркибидан бензолни тозалаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Рентген тузилиш таҳлили (РТТ), термик таҳлиллар (DSC, DTA ва TG), ИҚ-спектроскопия, бензол, сув буғи ва қуйи ҳароратли азот адсорбцияси, кондуктометрия усули, ультрабинафша спектрофотометрия, кукуни рентген дифракция, янги кванта-кимёвий назарий

усуллар ҳамда компьютер дастурлари каби замонавий тадқиқот усуллари ва саноатда ишлаб чиқариш корхоналари далолатномалар ёрдамида асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларига илмий аҳамият шундан иборатки, п-, м-сулфанил кислоталари, калий тартрат ва этилендиаминтетраатсетат кислотанинг динарийли тузи (EDTA- $\text{H}_2\text{Na}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) (Трилон Б) иштирокида Cu (II), Mn (II), Pb (II), Zn, Fe (III), Co (II) каби металллар билан юқори сорбцион хусусиятга эга бўлган янги турдаги металл-органик каркасларини синтез қилишнинг мақбул шароитлари ва физик-кимёвий, коллоид шунингдек сорбцион хоссаларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларида амалий аҳамияти $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$, $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ва $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ металл-органик каркасларнинг тузилиш маълумотлари Кембридж кристаллографик тузилиш маълумотлар базасига жойлаштирилганлиги, шунингдек, кимё ва кимёвий технология соҳасида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлаш учун ўқув жараёнида қўлланишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори сорбцион хусусиятга эга бўлган металл-органик каркасларни синтези, кристалл тузилиши ва сорбцион хусусиятлари бўйича қилинган тадқиқот натижалари асосида:

$[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$, $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ металл-органик каркасларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари Кембридж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (<https://www.ccdc.cam.ac.uk/structures/> CCDC депозит рақами №2280080, №2336258, №2383711). Натижада, ушбу маълумотлар базасига киритилган синтез қилинган бирикмалар шу турдаги янги металл-органик каркасларни олишда, мумкин бўлган боғланиш турларини ҳамда сирт юза ва ғовак хусусиятларини олдиндан аниқлашда ҳамда тузилишини тавсифлаш имкониятини берган;

$[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$, $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ янги синтез қилинган металл-органик каркаслар нефть маҳсулотларини қайта ишлашда муаммо бўладиган карбонат ангидрид ва бензол каби бирикмалардан тозалашда, ҳамда қуритиш усули «Фарғона НКИЗ» МЧЖ «Ўзбекнефтгаз» АЖининг 2025-2026 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболи ишланмалар рўйхатига киритилган. («Ўзбекнефтгаз» АЖининг 2024 йил 5 сентябрдаги 01-03-02/131-сон маълумотномаси). Натижада нефть маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида таркибидаги карбонат ангидрид ва бензол бирикмалардан тозалаш шунингдек сув буғларидан қуритиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларига апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 17 та жумладан, 12 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларига эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш эълон қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

илмий мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 та Scopus базасида индексацияланган нуфузли хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова(лар)дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баян қилинган, уларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиш истиқболи борасида хулосалар чиқарилган ҳамда чоп этирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Металл-органик каркасларнинг ўзига хос ноёблиги, тузилиши, адсорбцион ва физик-кимёвий хоссалари (адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи бобида келтирилган адабиётлар шарҳидан бизга металл-органик каркаслар гибрид, яъни органик лиганд ва ноорганик металл ионлари ташкил топган кўп функцияли янги бирикмалар эканлиги маълум бўлди. Металл-органик каркасни ҳосил қилишда лигандларнинг ўрни катта аҳамият касб этади. Органик лигандлар ташкил топган бирикмалар ноорганик лигандлардан ташкил топган бирикмаларга нисбатан кенг имкониятлари бор эканлиги маълум бўлди. Металл-органик каркасларни ҳосил бўлишида реакцион муҳит муҳим аҳамият касб этади. Реаксия вақтида бирикманинг морфологиясига концентрация, эритувчи тури, рН муҳит, ҳарорат ва бошқа омиллар таъсир қилади. Боғловчи лигандлар ичидан сулфанил кислотаси изомерлари ва трилон Б полимер ҳосил қилгани билан ажралиб туради. Синтез усулларини классик, замонавий ва инноватив каби турларга бўлиш мумкин. Металл-органик каркаслар юқори сирт ва ғовакликка эга бирикма бўлганлиги сабабли газларни сақлаш, ажратиш, оғир металлларни йутувчи ва бир қатор хоссаларни намоён қилади.


Диссертациянинг **“Объектлар, синтез жараёнлари ва тадқиқот услублари”** деб номланган иккинчи бобида диссертация тадқиқоти доирасида фойдаланилган асбоб-ускуналар ва реагентлар тавсифи, бирикмаларни синтез усулларини танлашга ёндашув, Илк бор Mn(II), Pb(II), Cu(II), Zn, Fe(III) металлларининг нитрат, хлорид, ацетат, тузлари билан п-, м-сулфанил кислоталари, калий тартарат ва этилендимантетраатсетат кислота-нинг динатрийли тузи (EDTA-H₂Na₂·2H₂O) (Трилон Б)нинг 6 та металл-органик каркас синтези келтирилган (1-расм). Янги синтез қилинган металл-органик каркасларнинг кимёвий формулалари қуйидагича: [Mn₂(C₆H₇NO₃S)₂Cl₄O₄]_n, Na[Fe(C₁₀H₁₂N₂O₈)(H₂O)]·2H₂O, [ZnC₄H₇O₇(H₂O)₂]_n, [CoC₄H₅O₇(H₂O)₂]_n, [Cu₂C₉H₂₁N₂O₉]_n, [Pb(C₆H₆NO₃S)₂]_n Ушбу металл-органик каркаслар хоссаларини ўрганиш мақсадида TG/DTA, FTIR ва УБ-кўринидиган спектрометриялар, элементар таҳлил, электр ўтказувчанлик, гравиметрия ҳамда

қуйи ҳароратда азот адсорбцияси каби физик-кимёвий тадқиқот усуллари шунингдек кукуни ва ягона кристалли рентген дифрактометриянинг таҳлиллар билан қўплаб физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Металл-органик каркаснинг



1-расм. Катена-[бис(μ-4-азаниумилбензол-1-сулфонато)-дихлоро-ди-марганец(II)] нинг ҳосил бўлиш реакцияси.

юқоридаги усуллари ёрдамида ҳамда тузилишларини монокристалл рентген дифрактометрия орқали олинган натижаларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг марказий атоми атрофида тетраэдрик, октаэдр, тетрагонал-пирамида геометрияларининг ҳосил бўлиши аниқланди. Олинган натижаларни атрофлича таҳлил қилиш орқали керакли хулосалар олинди. МОКларнинг синтез босқичида ҳосил бўлган коллоид эритмасининг заррачалар ўлчамининг 3D ҳолатдаги тақсимоти 2б-расмда кўрсатилган. Синтез қилинган заррачаларнинг ўлчам тақсимоти кенг диапазонни қамраб олди. Тақсимот эгри чизиги тез қўтарилиш




2-расм. МОКнинг коллоид эритмасидаги заррачалар ўлчамининг концентрацияси (а), 3D ҳолатдаги тақсимоти (б), нур синдириш интенсивлик (с).

ва пасайиш билан аниқ чоғқиларни намоён қилди (2а-расм). Энг юқори концентрация 97-159 nm оралиғидаги заррачалар учун кузатилди, асосий заррачалар ўлчамлари 58 дан 230 nm гача эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Металл-органик каркасларнинг молекуляр ва кристалл тузилишлари, хоссалари**” деб номланган учинчи бобида бирикмаларни монокристалл рентген дифракцияси, ИҚ ва УВ-спектроскопияси, термик таҳлиллари, кукунгли рентген дифракцияси, электр ўтказувчанлик каби бир қанча таҳлиллар билан қўплаб физик-кимёвий хоссалари ўрганилди.

МОКларнинг синтез қилиб олинган 6 та янги МОКларнинг монокристалл рентген дифракцияси натижалари асосида махсус “Mercure” ва “OLX” компьютер дастурлари асосида уларнинг кимёвий таркиб ва структуралари келтирилган. Бир фазовий ўлчамли металл-органик каркаслардан $[Mn_2(C_6H_7NO_3S)_2Cl_4O_4]_n$,

$[\text{Cu}_2\text{C}_9\text{H}_{21}\text{N}_2\text{O}_9]_n$ ҳамда икки фазоли металл-органик каркаслардан $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $[\text{ZnC}_4\text{H}_7\text{O}_7(\text{H}_2\text{O})_2]_n$, $[\text{CoC}_4\text{H}_5\text{O}_7, (\text{H}_2\text{O})_2]_n$, $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Масалан, катена-[бис(μ-4-азаниумилбензол-1-сульфонато)-дихлоро-ди-марганес(II)]




3-расм. Синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг молекуляр тузилиши. а) $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$, б) $[\text{Cu}_2\text{C}_9\text{H}_{21}\text{N}_2\text{O}_9]_n$, в) $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, д) $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$, е) $[\text{ZnC}_4\text{H}_7\text{O}_7(\text{H}_2\text{O})_2]_n$, ф) $[\text{CoC}_4\text{H}_5\text{O}_7, (\text{H}_2\text{O})_2]_n$.

МОКнинг асимметрик бирлиги MnCl_2 ва бир сулфанил кислота боғланган бўлиб, моноклиник кристалл тизимида 1D занжирни ҳосил қилади. Ҳар бир марганес маркази октаҳидрал тарзда иккита аксий хлорид ва экваториал планда тўртта кислород (тўрт $\text{C}_6\text{H}_7\text{NSO}_3$ бирлиги) билан боғланган (3-расм). Полимер занжир SO_3 орқали кўприк сифатида таъминотланган. MnCl_2O_4 да боғланиш бурчаклари $80.16(10)\text{-}95.31(9)^\circ$ оралигида бўлиб, энг паст ва энг юқори қийматлар O1-Mn1-O1 $[3/2\text{-}x, y, 1\text{-}z]$ ва O3 $[x, 1+y, z]$ - Mn1-O3 $[3/2\text{-}x, y, 1\text{-}z]$ бурчаклари учун берилган $\text{SO}_2\text{O-Mn-OSO}_2$. Ушбу кўприқлар $\text{Mn}\dots\text{Mn}$ орасида 5.595 \AA масофани сақлаган 1D алмаштирилган.


Катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III) дигидрати] да эса темир(III)нинг бузилган октаэдрал координацияси билан тавсифланади (3-расм). Темир атомининг координациясида EDTAнинг икки азот ва уч кислород атомлари, шунингдек, бир молекула сув мавжуд бўлиб, у сферик координацияни ҳосил қилади. Лиганд таркибидаги -COO^- гуруҳининг бири темирга боғланган, иккинчиси эса натрий ионига боғланган. Натрий октаэдрал координация билан бешта EDTA молекуласи ва бир молекула сув билан боғланган бўлиб, полимерик тузилма ҳосил қилади. Fe атофидаги масофалар ва бурчаклар қуйидагича: Fe-O боғланишлари учун: $\text{Fe1-O3} = 1.977(2) \text{ \AA}$, $\text{Fe1-O5} = 2.122(2) \text{ \AA}$, $\text{Fe1-O6} = 1.969(2) \text{ \AA}$ ва $\text{Fe1-O7} = 2.099(2) \text{ \AA}$; Fe-N боғланишлари учун: $\text{Fe1-N1} = 2.319(2) \text{ \AA}$ ва $\text{Fe1-N2} = 2.318(2) \text{ \AA}$. Хулоса ўрнида каркасларнинг структура таҳлил натижалари

МОКларнинг қолган физик-кимёвий хоссаларини таҳлили учун муҳим маълумот бўлиб хизмат қилади.



4-расм. Катена-[бис(μ-4-азаниумилбензол-1-сулфонато)-дихлоро-ди-марганец(II)]нинг ИҚ спектри.

интенсивликда кузатилди. Унинг деформация тебранишлари ν_s 1628.97 cm^{-1} ва ν_s 1598.35 cm^{-1} да, ўртача ютувчи майдонда рўй берди. Шунингдек, $-\text{NH}_3^+$ гуруҳининг тексликдан ташқарисидаги тебранишлари 827.89 cm^{-1} оралиғида паст интенсивликда кузатилди (4-расм).




5-расм. Катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III) дигидрати] учун УВ спектрлари. (а) темир иони учун д-д ўтиш ҳудуди.

3062.01 cm^{-1} да, ароматик ҳалқадаги молекуланинг C-H боғланишлари тебранишларга учради, бу инфратузилмада 1500.48 cm^{-1} да кичик миқдорда ютувчи ҳолат билан кузатилди. Бирикмадаги сулфо гуруҳининг S-O боғланишларининг валент тебранишлари ν_s 1240.48 cm^{-1} ва симметрик валент тебранишлари ν_s 1153.96 cm^{-1} да намоён бўлди. Ушбу боғланишнинг деформация тебранишлари юқори интенсивликда 1113.77 cm^{-1} оралиғида кузатилди. МОКларда УБ-спектроскопия таҳлил қилишдан мақсад боғлар таркибида электрон кўчишлари орқали каркасни шаклланиши билиб олиш мумкин. Темирнинг ушбу 2D координация полимерининг тузилиши УБ спектрофотометрик асбоб ёрдамида 200-1100 nm узунлик диапазонида таҳлил қилинди. Электромагнит тўлқинлар (УБ) таъсирида 478 nm (20932 cm^{-1}) максимал ютувчи узунлик (λ_{max}) аниқланиб, бу темир 3^+ ионининг 3d босқичларда (d→d) ўтишларини кўрсатди. Ушбу ўтишлар темир ва трилон Б ўртасида координация

боғланишининг ҳосил бўлишини исботлайди. Бу кузатиш, лигандларнинг координация бирикмаларининг металл марказига боғланганлигини англатади (5-расм).

УБ-спектроскопия электромагнит тўлқинлар таъсирида 222 nm (45045 cm^{-1}) λ_{max} да трилон Б даги кислород атомларининг бўлинмаган электрон жуфтлари ўтиши, $n \rightarrow \sigma$, кузатилди. Бундан ташқари, 260 nm да $n \rightarrow \pi$ ўтишлари электромагнит тўлқинлар таъсирида аниқланган, бу тўлқин узунлиги 38462 cm^{-1} га тенг. Шунингдек, ўртача ультрабинафша (УБ) нурлари таъсирида бирикмадаги сув молекулаларидаги кислород атомларининг $n \rightarrow \sigma$ ўтишлари 309 nm (33557 cm^{-1}) λ_{max} да аниқланган. Ўрганилган каркасларда муҳим хусусиятлардан монокристалл рентген дифрактометр натижаларини янада тўлдириш мақсадида куқунли рентген дифрактометр натижалари келтириб ўтилди.


Катена-[бис(μ -3-аминобензолсульфонат) қорғошин(II)]нинг куқунли кристаллографик тузилишини аниқлаш ва фазавий тозалигини аниқтасдиқлаш



6-расм. Катена-[бис(μ 3-3-аминобензенесулфонато) олтингурут(II)]нинг PXRD нақшлари.

аниқлаштирилди, натижада $a = 16.4 \text{ \AA}$, $b = 5.3 \text{ \AA}$ ва $c = 17 \text{ \AA}$ қийматлар олинди.

Чўққи ҳолатлари ва интенсивликлари бир-бирига мослиги яхши тартибга



7-расм. Катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III) дигидрати]нинг термик таҳлили.

мақсадида куқунли рентген дифрактометрсияси (PXRD) таҳлили ўтказилди. PXRD пикларида бир нечта аниқ ва яққол чўққилар кузатилди, бу эса намунанинг кристалл табиатида далолат беради. Дифракциянинг ёрқин чўққилари 2θ нинг 10.4° , 12° , 19.05° ва 23.6° қийматларида қайд этилди. Панжара кўрсаткичлари энг кичик квадратлар усули билан солинган кристалл тузилишни билдиради. Кўшимча чўққиларнинг йўқлиги синтез қилинган намунада сезиларли аралашмалар ёки иккиламчи фазалар йўқлигини кўрсатади (6-расм).

Ушбу бобда бирикмаларни дериватограмма (TG ва DTA) таҳлиллари ўрганилди. Дифференциал термик таҳлил натижаларига кўра металл-органик каркасларнинг деградацион ҳарорати асосан $300 \text{ }^\circ\text{C}$ дан юқорида кузатилиб, икки


фазавий ўлчамли катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III)

дигидрати] металл-органик каркаснинг экзотермик чўққиси 308 °С га нисбатан, бир фазавий ўлчамли катена-[бис(μ-4-азаниумилбензол-1-сульфонато)-дихлоро-ди-марганес(II)] металл-органик каркаснинг экзотермик чўққиси 503.63 °С га тенг бўлиши фазавий структурани ўлчамини ортиши билан ДТА қийматининг камайиши кузатилган (7-расм). Катена-[бис(μ-3-аминобензолсульфонат) қорғошин(II)] да TG-DTA таҳлили шуни кўрсатадики, 20-800 °С ҳарорат оралиғида иккита алоҳида ҳудудда сезиларли масса йўқотилиши содир бўлди, бу эса якуний маҳсулот сифатида қорғошин(II) сульфид ҳосил бўлиши билан металл-органик каркаснинг парчаланишини кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал. МОКларнинг термик таҳлил натижалари

Металл-органик каркасларнинг номи	Масса йўқотилиши (%)	Қолдик моддалар (%)	Эндотермик жараён (DTA) °С	Экзотермик жараён (DTA) °С
Катена-[бис(μ-4-азаниумилбензол-1-сульфонато)-дихлоро-ди-марганес(II)]	87.1	12.9	140.39°C, - 235.27 J/g	503.63°C, +458.82 J/g
Катена-[бис(формато)мис(II) диметиламин]	73.2	26.8	193.81°C, - 2.72 mkV	503.63°C, - 1.78 mkV
Катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III) дигидрати]	67.567	32.433	97°C, 56.13 J/g	471.64°C, +791.55 J/g
Катена-[бис(μ-3-аминобензолсульфонат) қорғошин(II)]	49.615	50.385	175.59°C, - 2.54 mkV	444.89°C, -4.4 mkV
Катена-[бис(1,4-тартарато) кобальт(II) дигидрат]	67.3	32.7	194.16°C, - 1.10 mkV	564.11°C, - 1.78 mkV
Катена-[бис(1,4-тартарато) рух(II) дигидрат]	62.06	37.94	232.15°C, - 2.72 mkV	465.27°C, - 1.78 mkV

Электр ўтказувчанликни ўрганиш полимерланган металл ва эритма ўртасидаги жараён ҳақида маълумот беради. Ушбу кузатув координацион полимер марказий металининг дастлаб эритмадаги сув молекулалари билан ўзаро солватланиб, ҳарорат ошиши билан алоҳида ион комплекслар ҳосил қилиши




8-расм. Бирикманинг $[Mn_2(C_6H_7NO_3S)_2Cl_4O_4]$ молекуляр фрагменти учун *dnorm* бўйича ҳисобланган Хиршфелд сиртлари тасвири.

натижасида электр ўтказувчанлигини ҳам ошишига сабаб бўлган. Металл-органик каркасларнинг фазавий ўлчамлари ошиши билан уларнинг электр тўки ўтказувчанлигини ошиши кузатилди.

Диссертациянинг “**Металл – органик каркасларнинг сорбцион хусусиятлари ва Хиршфелд сирт таҳлили**” деб номланган тўртинчи бобда тадқиқотлар давомида синтез қилинган бир фазавий ўлчамли $[\text{Cu}_2\text{C}_9\text{H}_{21}\text{N}_2\text{O}_9]_n$ ва $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]_n$ лар ва икки фазавий ўлчамли $\text{Na}[\text{Fe}(\text{C}_{10}\text{H}_{12}\text{N}_2\text{O}_8)(\text{H}_2\text{O})] \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $[\text{ZnC}_4\text{H}_7\text{O}_7(\text{H}_2\text{O})_2]_n$, $[\text{CoC}_4\text{H}_5\text{O}_7, (\text{H}_2\text{O})_2]_n$ ва $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ сорбентларнинг солиштирма сирт майдони (S) адсорбциянинг тузилмавий параметрларидан Брунауэр, Эмметт, Теллер (БЕТ) назарияси тенгламалари Маг-Бен-Бахра қурилмасига сув ва бензол адсорбциялари ҳамда қуйи ҳароратда азот адсорбцияси ва DFT таҳлили ёрдамида аниқланди. CrystalExplorer дастурида Хиршфелд сирт юзаси таҳлили ҳамда Crystal void дастури ёрдамида металл-органик каркас кристаллар таркибидаги бўшлиқ хусусиятлари таҳлил қилинди, шунингдек сорбцион хусусиятлари ўрганилди. Металл-органик каркасларда Хиршфелд сирт юзаси натижалари асосида ғоваклардаги яқин юзаларда жойлашган Ван Дер Валс кучлари натижасида фаол марказлар аниқланган (8, 11-расмлар).

Мисол учун, $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]$ да $\text{H} \cdots \text{O} / \text{O} \cdots \text{H}$ ва $\text{N1} - \text{H1C} \cdots \text{Cl1}$ ўзаро таъсирлари мос равишда 28,3 % ва 29,6 % ни ташкил этган; $[\text{C}_{10}\text{H}_{19}\text{FeN}_2\text{NaO}_{11}]_n$ да $\text{O} \cdots \text{H} / \text{H} \cdots \text{O}$ ва $\text{H} \cdots \text{H}$ ўзаро таъсирлари умумий микдорнинг 54,8 ва 27,7 % ни




9-расм. Катена-[натрий аква-(этилендиаминтетраатсетат)-темир(III) дигидрати]нинг азот адсорбцион изотермаси.

ташкил этган; $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ металл-органик каркасинг Хиршфелд сиртини шакллантиришда асосий ҳиссани $\text{O} \cdots \text{H} / \text{H} \cdots \text{O}$ ўзаро таъсири (32,1 %) ва $\text{H} \cdots \text{H}$ ўзаро таъсири (24,8 %) ташкил этганлиги исботланган. $[\text{Mn}_2(\text{C}_6\text{H}_7\text{NO}_3\text{S})_2\text{Cl}_4\text{O}_4]$, $[\text{C}_{10}\text{H}_{19}\text{FeN}_2\text{NaO}_{11}]_n$ ва $[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ металл-органик каркас ғоваклари бир

қатор фаол марказлар билан сув молекулалари адсорбцияси натижасида ион-молекуляр комплексларни ҳосил қилган, бунда 22,9; 27,94 ва 10,1 ммоль/г адсорбат ютувчи фаоллик кўрсатилган (10-расм).


Бу кўрсаткич бензол молекулалари билан эса Т- ва π - π комплекслар ҳосил қилган ҳолда мос равишда 0,849 ммоль/г, 1,38 ммоль/г ни ташкил этган,



11-расм. Катена-[бис(μ -4-азаниумилбензол-1-сулфонато)-дихлоро-ди-марганец(II)] нинг кристалл таркибидаги бўшлиқларнинг ифодаланиши.


$[\text{Pb}(\text{C}_6\text{H}_6\text{NO}_3\text{S})_2]_n$ каркасда эса бензол деярли адсорбцияланмаган (12-расм). Қуйи ҳароратдаги азот адсорбцияси натижаларига кўра изотерма IUPAC бўйича V турга тегишли бўлиб, гистерезис ҳалқаси H3 типиде эканлиги аниқланган.

